

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ СИФАТИНИ  
ОШИРИШ ЗАРУРАТИ ВА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

*Аннаев Вахоб Тураевич*

*"Агробанк" АТБ Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари*

**Аннотация.** Маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг кредит сиёсати, уларнинг кредит портфели ва унинг сифати, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади. Чунки, кредит портфелининг тўғри ташкил қилиниши банкларнинг самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради.

Кредит портфелининг тўғри ташкил этилиши тижорат банкларининг самарали фаолият юритиши учун асос ҳисобланади. Хусусан, кредит бериш ва уни белгиланган муддатда қайтариб олиш, у билан боғлиқ хатарлар, ссудалар, муддати ўтган ёки узайтирилган кредитлар бўйича ҳисоб-китоб операциялари, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, заҳира миқдори, банклараро кредит ва марказлаштирилган кредитлар бўйича операциялар шулар сирасига киради.

**Калит сўзлар.** кредит портфели, кредит турлари, қисқа ва узоқ муддатли кредитлар, банк рисклари, кредит риски, синдикатлаштирилган кредитлар, муаммоли кредитлар.

**Кириш.**

Мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида "...кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган

менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш” устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган [1].

Мазкур вазифа ижросини таъминлашда банкларнинг асосий фаолият турлари, хусусан, банкнинг кредитлаш жараёнини такомиллаштириб бориш, банк кредит портфелининг сифат даражасини кўтариш, банк фаолияти ва диверсификация даражасини ошириш, банк фаолиятида юзага келадиган турли хил рискларни самарали бошқариш тизимини такомиллаштириш, замонавий банк хизматларини кенг жорий этиш ҳамда инновайион банк хизматлари сони ва сифатини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни асослаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

#### **Адабиётлар шарҳи.**

Кредит портфелига берилган таърифлар моҳияти жиҳатдан хилма хил бўлиб, улар банкларнинг кредит портфели, унинг иқтисодий моҳияти, таркиби, қиёсий таърифи тўғрисида барча томонидан маъқулланган аниқ бир фикрни ифода қилмайди. Турли муаллифлар кредит портфелининг моҳиятини турлича талқин қилишади.

Америкалик иқтисодчилар К.Ж. Барлтон, Диана Мак Нотон кредит портфели – бу кредитларни туркумлашни ўз ичига олади, деб таърифлашади.[2] К.Ж. Барлтон ва Д.Мак Нотон томонидан берилган таъриф банк кредит портфелининг фақат бир қисмигина ифодалайди.

Н. Соколинская “кредит портфели қисқа ва узоқ муддатли кредитлар йиғиндисидан иборат” деб таърифлайди [3]. Муаллиф кредит портфелига муддати жиҳатидан ёндашишга ҳаракат қилади, аммо айрим мамлакатларда ўрта муддатли кредитлар ҳам мавжудлигини инобатга олсак, унинг фикрларига тўлиқ қўшила олмаймиз.

Россиялик олим О.И.Лаврушин “кредит портфели тушунчаси банк ишида одатда бир ёки бошқа банкнинг кредитлари йиғиндиси тушунилади” деб таъриф беради [4]. Олимнинг фикрларига қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, баъзи ҳолатларда кредит битта банкка тегишли бўлмаслиги мумкин, яъни синдикат кредитлар бир нечта банкларнинг кредит портфелида акс этади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Ш.З.Абдуллаеванинг фикрига кўра, “банкларнинг кредит портфели – бу турли хил кредит рискларига асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир” [5]. Муаллиф кредит портфелига таъриф берганда асосан рисклар нуқтаи назаридан тадқиқ қилганлигини кўришимиз мумкин.

Демак, кредит портфели - бу турли хил рискларга асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир.

### **Таҳлил ва натижалар.**


Олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади мамлакат молия-банк тизими барқарорлигини таъсинлаш, уларни ислоҳ қилишни янада такомиллаштириш, соф рақобат муҳитини яратиш ҳисобланади. Мазкур мақсадга эришишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони ва 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги Қарори асосий ролни ўйнамоқда.

2023 йил давомида муаммоли кредитларнинг банк тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсирларини олдини олиш ва уларнинг салмоғини камайтириш мақсадида банкларнинг кредит портфеллари мунтазам равишда банклар, ҳудудлар кесимида, сегментларга ажратган ҳолда таҳлил

килиб борилди. Таҳлиллар натижаларига кўра, тизимдаги мавжуд заифликлар юзасидан тегишли банклар бошқарувларига камчиликларни бартараф қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, муаммоли кредитларнинг ҳудудларда ундирилиши самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банк раис ўринбосарлари бошчилигида тижорат банклари раҳбар ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, жойларда муаммоли кредитларнинг ундирилиши ҳолатлари ўрганилди ҳамда ҳудудлардаги тегишли раҳбарларнинг муаммоли қарздорликларни ундиришдаги масъулиятлари белгилаб берилди.

Кўрилган чоралар натижасида, муаммоли кредитлар улушини 2023 йилда 0,1 фоиз бандга ёки 2024 йил 1 январь ҳолатига 3,5 фоизгача (16,6 трлн сўм) камайишига эришилди.



**1-расм. Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши динамикаси [9]**


2024 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит портфелининг 80 фоизи “стандарт”, 16 фоизи “субстандарт” ҳамда 3,5 фоизи муаммоли

(1,5 фоизи “қониқарсиз”, 1,1 фоизи “шубҳали” ва 0,9 фоизи “умидсиз”) кредитлар сифатида таснифланади.

Банклар томонидан 2023 йилда активлар бўйича 2,4 трлн сўм миқдорида қўшимча захиралар яратилди ҳамда муаммоли кредитларни захиралар билан қопланиш даражаси ўтган йилнинг мос давридаги 80 фоиздан 2024 йил 1 январь ҳолатига 82 фоизга кўтарилди.

Муаммоли кредитларнинг сегментлар бўйича тақсимотида уларнинг 85 фоизи (14,1 трлн сўм) тадбиркорлик субъектлари, 15 фоизи (2,5 трлн сўм) жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

Аҳолининг муаммоли кредитлари таркибида 1,0 трлн сўми (40 фоизи) тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар, 709 млрд сўми (28 фоизи) ипотека кредитлари, 470 млрд сўм (18 фоизи) микроқарзлар, 271 млрд сўми (11 фоизи) автокредитлар ҳамда 89 млрд сўми (3,5 фоизи) бошқа истеъмол кредитлари ҳиссасига тўғри келди.



## 2-расм. Жисмоний шахсларнинг муаммоли кредитлари [9]

Банклар томонидан муддати узайтирилган кредитлар қолдиғи 2024 йил 1 январь ҳолатига 71,1 трлн сўмни ташкил этиб, шундан 6,5 трлн сўми ёки 9,1 фоизи муаммоли кредитларни ташкил этади.

Жами муддати узайтирилган кредитлар банк тизими кредит портфели қолдиғининг **15** фоизини ташкил этиб, муддати узайтирилган муаммоли кредитлар эса жами муаммоли кредитларнинг **39** фоизини ташкил қилган.

Марказий банк томонидан ташқи иқтисодий ҳатарларнинг банклар барқарорлигига салбий таъсирларини юмшатиш мақсадида, тижорат банкларининг чет эл банклари олдидаги молиявий мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этилиши билан боғлиқ хатарларнинг банк тизими ликвидлилигига таъсири бўйича стресс-тестлар ўтказилди.

2023 йил 1 сентябрь ҳолатига молиявий барқарорлик кўрсаткичлари асосида ўтказилган таҳлиллар натижалари, ликвидли маблағлар захираси (*минимал талаб: 10 фоиз*) ҳақиқатда **14,9** фоиздан **13,6** фоизгача ҳамда қисқа муддатли ликвидлилик (*минимал талаб: 100 фоиз*) ҳолати **160,9** фоиздан **142,4** фоизгача пасайишини кўрсатди.

Ҳозирги пайтда ташқи иқтисодий вазиятнинг барқарор эмаслиги, мавжуд рискларнинг юқори даражада шаклланганлиги ҳамда олдиндан башорат қилиб бўлмаслиги сабабли Марказий банк томонидан банклар барқарорлигига салбий молиявий таъсирларини юмшатиш чоратадбирларини кўришга ундамоқда. Хусусан, банкларнинг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи энг асосий рисклардан бири бўлган кредит рискларини олдини олиш, унинг салбий оқибатларини камайтириш, кредит rischi юзага келганда зудлик билан амалга ошириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уни назорат қилиш бўйича пруденциал назорат чоралари кўриб борилмоқда.

Қолаверса, банклар томонидан иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар, уларга нисбатан берилаётган имтиёзлар ва фискал рағбатлантиришлар, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва юқори қўшилган қийматли янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда хусусий

инвестициялар ҳажмининг ортиши иқтисодий ўсишни ялпи талаб томондан молиявий қўллаб-қувватловчи асосий омиллар бўлмоқда.

### **Хулоса ва таклифлар**

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши авваламбор, унда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари билан чамбарчас боғлиқ. Банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Республикаимиз банк фаолияти, тижорат банклари ривожланиши, уларнинг эркинлашуви жуда мураккаб муҳитда, яъни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий рақобат муҳитида шаклланмоқда. Бугунги кунда банк фаолиятини эркинлаштириш шароитида банклараро рақобатнинг кучайиши ва унинг такомиллашуви заруриятга айланиб бормоқда.

Тижорат банклари кредит портфели сифатини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли меъёрий-ҳужжатлари ва тижорат банкларининг кредит сиёсатлари ҳамда кредитлаш юзасидан ички кредит тартиботлари талабларига қатъий риоя этиш;

кредит портфелини таваккалчиликлар бўйича доимий диверсификация қилиб бориш;

кредитларни қайтаришдаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва тегишли чораларни кўриш;

кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг норматив даражасини таъминлаш;

фоизларни ўстирмаслик мақомига эга бўлган кредитлар бўйича ҳисобланган ва муддати ўтган фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ тижорат банкининг балансидан чиқариш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони
2. Диана Мак Нотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. - ИЭР МБРР. -Вашингтон Д.С., 2001. -с.75
3. Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банк. Учебник.М.Юристь 2003.
4. Абдуллаева ШЗ. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: Молия, 2002. 304 б. Б – 166.
5. Холмаматов, Ф. К. (2019). Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И. ф. б. ф. д. дисс. автореф. *И. ф. б. ф. д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф.*–Тошкент.
6. Holmamatov, F. (2024). Banklar moliyaviy barqarorligini ta'minlashda bank захираларидан kompleks foydalanish zarurati va amaliyoti. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 1 (8).
7. Холмаматов, Ф. К. (2024). ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИЛИК РИСКИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. *Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari*, 5(1), 375-382.
8. Холмаматов, Ф. К. (2024). БАНК ТИЗИМИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЛИКВИДЛИЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ. *Journal of new century innovations*, 50(3), 56-64.
9. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти